

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 156 (11.467)

Баҳоси эркин нарҳда



«**Мустақиллик биз учун — ўзликимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишининг гаровидир»**


ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Дарҳақиқат, миллатимиз, халқимизнинг бой аънаналарию урф-одатларини ўзида мужассам эта олган ушбу ўзига хос тадбирнинг ҳар бир иштирокчиси Маҳалла кунини миллий қадриятларимиз байрами сифатида эътироф этди, десак хато қилмаймиз.



Маҳалла куни МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ БАЙРАМИ



Карнай-сурнай садолари бу куни одатга кўра етти маҳаллага эмас, балки пойтахтимизнинг барча маҳаллаларида акс садо бердики, буни ҳамшаҳарларимизнинг боғдан кенгача қадами узилмаганидан ҳам сезиш мумкин эди. Остонадан меҳмонларни камолотчилар таъзим айлаб, барчамизга бирдек қадрли маҳалла байрами муборак бўлсин, дея кутиб олишлари ҳам барчага кўтаринкилик бахш этди.

Умуман олганда, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи рамзий маънода маҳалла ҳаётининг бир кунини ўзида акс эттира олди десак, муболага бўлмайди. Бир томондан алла, лаллар, «келин салом» байталари янгарди. Бошқа томондан ҳаммаси 50 метр баландликда, ўз маҳоратини намойиш этган дорбозлар, настрада эса беллашаётган полвонлар кўйлиги эътиборини тортарди.

Бирок илк таассурот — кўёшимон ноннинг иссиқ тафти меҳмонларни «Нон сайли» томон чорларди. Бог марказида «Тошкентнон» бирлашмасининг но-вою қандолатчиларининг 500 дан зиёд турдаги маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилган. Дастурхонимиз кўркини таъминлаб

берувчи новвойлар кундалик ишига янада маҳорат билан ёндошиб, гўё санъат асарини яратишга ҳаракат қилганлари ва бунга аъло даражада эришган ҳам.

Навбат қовун сайлига... Мирзачўл, чиллаки, оби новот, қизил уруғ, босовлди, жўрақанд — бирон бир ўзбекистонлик бу сўзларнинг маъносини суриштирмайди, чунки юртимизда етиштириладиган поллиз ўсимликлари, жумладан, лавзати билан тилни ёрайдиган қовун навларидан яши хабардор.

«Гуллар сайли»да эса бу сафар асосан хаваскор флористлар — «оқ халат» вакиллари қатнашди. «Табиат билан ҳамкорлик — саломатлик гарови» шioriга мос равишда шаҳримизнинг барча тиббиёт муассасалари ходимлари гулга бўлган қизиқшларини намойиш этдилар.

Ниҳоят, байрамнинг бош саҳнаси томон борамиз. Унинг атрофида шаҳримиздаги 474 та маҳалланинг ўзига хос кўргазмалари ташкил этилган. Қулоччилик, заргарлик, каштачилик билан шуғулланиб келаётган ҳунармандларнинг ижоди барчада катта қизиқиш уйғотди. Юсак дид билан жило берилган 11 та айвонларда оқсоқоллар, маҳаллалар-

нинг обрў-эътиборли отахону онахонлари қизиқарли суҳбатлар оғушида. Саҳнада эса кетма-кет таниқли ва хаваскор хонандаларнинг маҳаллаларимиз, юртимиз, шаҳримиз ободлиги, гўзаллиги ҳақидаги куй ва қўшиқлари янграйди...

Маҳалла байрами бу ўзига хос сарҳисоб ҳамдир. Аънанага кўра, шу куни бир йил давомида фаолиятда эришган алоҳида ютуқлари эътиборга олингани ҳолда, кўплаб маҳалла фаоллари сакизта йўналиш бўйича ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди. Чунки, энг обод маҳалла номига «Шаллола», «Беҳқизор», «Бектемир» маҳаллалари сазовор бўлган бўлса, энг фаол яраштирилган комиссияси таркибиде Жомий номидаги, «Кўкча Оқтепа», Гани Аъзамов номидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари тизими фаол деб топилди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан байрам доирасида биричи марта шаҳар ва маҳалла тарихи йўналиши бўйича совриндорлар ҳам аниқланди.

Дарҳақиқат, маҳалла байрами мана шундай қизиқари сайилларга бой бўлди. Эътиборлиси, бу кунини шаҳримиз аҳолиси ва

меҳмонлари бир маҳалла бўлиб нишонлашди.

Михаил КИКТЕВ,
Юнус Ражабий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси:
— Қасби-коримиз, миллатимиздан қатъи назар, ҳаммамиз маҳаллада яшаймиз. Бундай байрам давралари эса бизни янада қовуштиради, ҳамжихатликка ундайди. Маҳалла — катта бир оила, унинг аъзолари бир-бирини меҳр-муруватли, оқибатлидир. Шу боис маҳалла давлатнинг пойдевори ҳамдир. Унинг мустақамлиги эса бу-гунги ва эртанги ҳаётимизнинг барқарорлигидир.

Мажид ҚОДИРОВ,
«Шаллола» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:
— Давлатимиз раҳбари «Ободлик кўнглидан бошланади» дейдилар. Одамларнинг мана шундай ягона мақсад сари бошини қовуштириш биз, маҳалла фаолларининг асосий вазифаларидан биридир. Маҳалламизнинг энг обод гўша сифатида шаҳар бўйича голиб деб топилгани биз учун албатта қувонарли ҳол. Бу рағбат меҳнатимиз эвазига бўлса, аммо олдимизда ҳали кўп қилинмаган ишларимиз бор.

(Давоми 4-бетда).

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори асосида пойтахтимизда кенг кўламли қурилиш, реконструкция ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамоатчилик хайрия жамғармаси ҳамкорлигида «Тошкент экологияси: менинг уйим — шаҳар» шiori остидаги тадбирлар дастурининг амалга оширилиши ҳам шулар жумласидандир.

Ушбу дастурга мувофиқ, хусусий уй-жой мулкдорлари шirkатлари ўртасида «Менинг уйим — менинг шаҳрим» танлови, шунингдек, «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш соҳасида энг намунали жамоа», «Энг яхши «Махсустрас» экипажи» ва «Энг намунали маданият ва истироҳат боғи» мавзусида турли танловлар ўтказилди. «Экосан» жамғармасида ушбу танловлар якунларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда пойтахтимиздаги корхона ва ташкилотлар, республика жамоатчилиги билан ҳамкорлик раҳбарлари, хусусий уй-жой мулкдорлари шirkатлари ва маҳаллалар вакиллари иштирок этди.

Ғолиблар ҳар бир танлов учун ишлаб чиқилган мезонлар бўйича аниқланди. Ирригация хўжалигини сақлаш ва таъмирлаш ҳамда кўкаламзорлаштириш бўйича ихтисослашган бошқарма жамоаси ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш соҳасида энг намунали деб топилди. Чилонзор туманидаги «Чин бахт сервис», Юнусобод туманидаги «Мустақил коммунал» ва Мирзо Улуғбек туманидаги «Нурли коммунал сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари шirkатлари «Менинг уйим — менинг шаҳрим» номинациясида голиб чиқди. «Махсустрас» унитар корхонасининг Учтепа бўлими экипажи «Махсустрас»нинг энг яхши экипажи деб эътироф этилди. «Энг намунали маданият ва истироҳат боғи» танловида Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи биринчи ўринни эгаллади.

Ғолиблар қимматли совға ва мукофотлар билан тақдирланди.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири

ЖАҲОНДА

- Мехикода Шимолий Америка давлатлари етакчиларининг саммити очилмоқда.
- Исроил ҳарбий ҳаво кучлари кеча Миср чегараси атрофи ва Ғазо секторидеги туннелларга ҳаводан зарба берди. Ҳар иккала давлат ўртасида юзага келган келишмовчиликлар туфайли Венесуэла Колумбияга имтиёзли тарзда берилган ёнилғи таъминотини тўхтатди.
- Япония гарбида кучли ёмғир натижасида ер кўчишлари юзага келди. Мазкур табиий офат оқибатида 9 киши ҳаётдан қўймоди, 10 нафар одам бедарак йўқолди.
- Колумбия шимолида жойлашган кўмир конларидан бирида бахтсиз ҳодиса содир бўлди. Бу ерда метан гази чиқиши натижасида портлаш юз берди. Фожиа саккиз кишининг умрига зомин бўлди, 5 нафар одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Фалокатга қончиларнинг эътиборсизлиги сабаб бўлгани айтилмоқда.
- Вьетнам ҳукумати А/Н1N1 гриппи хавфи кучайганлиги сабабли Ханой шаҳридаги барча мактабларни ёпишга қарор қилди. Мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, айни пайтда ушбу гриппни юқтирганлар сони 1000 нафарга яқинлашган. Таъкидлаш жоизки, Вьетнамда янги ўқув йили 17 августдан бошланади.
- АҚШда кўнгилилар устида А/Н1N1 гриппига қарши янги вакцина синаш ишлари бошланди.
- Кеча Испаниянинг Майорка оролида кетма-кет иккита портлаш содир этилди. Портлашлар натижасида ҳеч ким жабрлангани йўқ. Ушбу террорчилик ҳаракатини амалга оширганликни ЭТА айирмачилар гуруҳи ўз зиммасига олди.
- Кеча Москвадаги очик сув ҳавзаси атрофида сув устида учувчи кўлбола воситаларнинг фестивали бўлиб ўтди. Унда хаваскорлар томонидан тайёрланган 31 та учадиган анжом иштирок этди.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан фаол аёлларнинг бир гуруҳи Мустақиллик майдонига экскурсия қилишди ҳамда Мотамсаро она хайкали пойига гулчамбар кўйишди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Бадий академиясининг марказий кўргазмалар залида расом Чоршанбиевнинг асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Ушбу кўргазма 22 августга қадар давом этади.

✓ **БУТУН** шаҳримиздаги «Машинасозлар» маҳалласида «Гийвандлик ва соғлом турмуш тарзи» мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда маҳалла фаоллари, ёшлари ва шифокорлар иштирок этишди.

✓ **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи қошидаги «Сўғдиёна», «Қалдирғоч» рақс дасталари қатнашчилари Темурийлар тарихи Давлат музейига ҳамда Ўзбекистон тарихи Давлат музейига саёҳат қилишди.

Кўп йиллар муқаддам Тошкентда мухбирлик қилган хорижлик танишимиз шахримизнинг 2200 йиллик тўйи ҳақида мақола тайёрлаш ниятида яқинда пойтахтимизга келди. У билан аэропортда учрашганимизда даставвал ўзи жойлашиши учун қайси меҳмонхонани тавсия этишимизни сўради.

— Меҳмонхоналар кўп, — дедим мен. — Қайси бири маъқул тушса, ўшанисини танилашимиз мумкин. Машинадан шаҳар кўчалари бўйлаб елиб борар эканмиз, меҳмон ҳар бир янги бинога қизи тушиши билан “бу нима?” деб сўраб-суриштирар, нигоҳига бир лаҳза ташланиб, ортда қолаётган манзарани дурустроқ кўра олмаётганлиги учун ҳайдовчидан тезликни пасайтиришни илтимос қиларди.

“Дедеман”, “Марказий”, “Гранд-Мир”, “Ле-Меридиан”, “Интерконтиненталь” меҳмонхоналарининг кўрку салобати, айниқса энг нозик дидли меҳмоннинг ҳам кўнглини ром этадиган шарт-шароитлардан мамнун бўлган чет эллик журналист ҳамон шаҳар билан янги учрашуви таассуротлари остида эди:

— Кўларимга ишонмаяман, — унинг лутфидаги самимийлик ва эҳтиросни англаш қийин эмасди. — Шунча иморатлар, боғу ҳибонлар, йўлу кўприкларни қанча қуриб битказишга улгурдингиз? Тошкент жуда ўзгариб кетганлигини айтишарди. Аммо унинг шунчалик, мутлақо таниб бўлмайдиган даражадалигини тасаввур қила олмаганим.

Меҳмон ўзига ажратилган хонага буюларини тезда жойлаштириб, шошилиб яна бизга пешвоз чиқди.

— Кўп йиллар менга беш кўндек маълум бўлган шаҳар билан қайтадан танишишга тўғри келадиганга ўхшайди, — деди у. — Лекин тушлик вақти ҳам бўлиб қолибди. Бир тамадди қилиб оласан бўлармиди. Биласанми, ўзбекча таомларни жуда кўмсаганлигим учун ҳам шу хизмат сафарига руҳсат олиш учун роса ҳаракат қилдим. Эски шаҳарнинг хўп мазали кабоблари-ю сомсалари мазасини ҳали ҳам унутганим йўқ. Хўп десаңг, ўша томонларга борсак.

— Жарга демокчисан шекилли? — Ҳа, номи энди ёдимга тушди. Ўша ерга бошла.

Меҳмон лўқмам оҳангидидаги истехзони сезмади. Ҳийёл ўтмай ям-яшил арчозор ва майсазорларга бурканган “Жар” спорт-соғломлаштириш мажмуаси остонасида турар эдик. Хорижлик қаламқак теварак-атрофга ҳам ҳайрат, ҳам ишонқирамаслик билан боқарди. Фақат рўпарадаги Кўкалдош мадрасасининг ғувоҳлиги стадион ва сузиш хавзалари, теннис майдонлари, спорт заллари собиқ жару ахлатхоналар ўрнини эгаллаганлигини тан олишга мажбур қиларди...

Ватанимизнинг юраги, мустақил давлатимизнинг пойтахти — муқаддас остонасига айланган қадимий Шошнинг истиклол келтирган баҳори мевалари Эски шаҳар тимсолида, айниқса, чуқурроқ ҳис этилади.

“Мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб, — деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов, — Тошкентнинг маркази бўлган Эски шаҳарни буюқ ўтмишимизга, шу ерларда яшаб ўтган ота-боболаримизнинг руҳига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб обод қилиш, уни пойтахтимизнинг замонавий қиёфаси билан уйғунлаштиришни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик”.

Чор мустамлакачилари ўзлари учун бинолар қуриб, қулайликлар яратган Тошкентнинг шарқий қисмини Янги шаҳар, асрлар силсиласида боқий бўлган, ўз вақтида салкам бир ярим минг гектар майдонни эгаллаган, истехком деворлари билан ўралган, ўн икки дарвозаси билан машҳур, асосан туз миллат вакиллари истиқомат қиладиган ҳақиқий мадинани эса Эски шаҳар деб аташни урфга киритдилар.

Янги қурилушлар, ободончилик янги шаҳарда амалга оширилди, Эски шаҳарда эса гўё вақт тўхтаб қолган, йиллар ўтгани сари фақат номи билангина эмас, нураб, чўкиб бораётган қулбалари, арава ҳам ўта олмаётган тангу тор, эгри-бугри, ўйдим-чуқур, сўкмоқ қиёс кўчалари билан ҳам қариб, қартайиб бораверарди.

Шўролар ҳукмати даврида “улкан”, “тарихий” беш йиллик, етти йиллик режалари эълон қилинар, қанчадан-қанча корхона, турар жойлар қурилар, чўлларга “ҳужум”лар уюштирилар, аммо ўзга юртларда “нон шаҳри” номини олган, Иккинчи жаҳон уруши йилларида минглаб етим-есирларни бағрига олиб, оқ ювиб, оқ тараган, сўнгги бурда нонини улар билан баҳам кўрган Тошкентнинг маркази аввалги асрларда қай ҳолда бўлса, шундайлигича мунғайиб тураверарди.

Ҳатто 1966 йилги машвум Тошкент элизилидидан сўнг шаҳарда кенг кўламли қайта қуришлар авжига чиққан вақтларда ҳам Эски шаҳарни бироз бўлса да тавмирлаш, шу жойлик аҳолига энг оддий қулайликлар яратиш марказдаги раҳбарларнинг ҳаёлларига ҳам келмасди. Бунинг ўрнига Эски шаҳарни “очиқ осмон остидидаги музей”га айлантириш режалари тўғрисидаги чўпчаклар тўқиб чиқариларди.

Ўзбек эли каби Эски шаҳар иқболи ҳам Истиклол билан боғлиқ экан. Ўтган

аср 90-йилларининг бошларида бир хушхабар эскишаҳарликлар эшикларини қокди: “Мамлакат раҳбари Ислоом Каримов Зарқайнар кўчасида Эски Жўвагача пиёда юриб, ҳамма жойни ўзи кўриб, айланиб чиқибди. Эски шаҳарда катта қурилушлар, ободончилик ишлари бошланар эмиз!”

Рости, баъзи бировлар ўкинч кўнглиларга малҳам бўлган бу суюнч хабарларни ишонқирамай қарши олдилар. Чунки, собиқ салтанат кум уюми устида кўтарилган омонат иморатдек қулаб, вайронларини мерос қолдирган, ҳўжалик алоқалари занжирлари чилларчин бўлган, пул кун, ҳатто соат сайин кадр-сизланиб бораётган, дўкнонлар пештахталари хувиллаб ётган бир пайтда ўнлаб йиллар давомида муаммолар гирдобидида қолган бу жойни обод қилишга ким журъат қила оларкин?! Ахир бу қанчадан-қанча маблағни талаб этиши билан бирга ҳозир ертўла-



дан фарқи кам бошпаналарда кун ке-чираётган неча минглаб аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳам талаб этади-ку! Бу шўбҳалар асосини эмасди. Ахир мамлакат раҳбарияти олдида “давлат хавфсизлигини таъминлаш, фалаж ҳолатга келтирилган иқтисодийetni оёққа турғизиш ва ривожланиш сари йўналтириш, ночор оилаларни ўтиш даврининг энг мушкул босқичида муҳтож-ликда қолдирмаслик каби чигал муаммолар турганлиги кўпчиликка маълум эди.

Тошкентдек шаҳри азининг ўзида юзлаб кўп қаватли уйлар таъмирлашга ниҳоятда муҳтож, унинг ертўлалари кишин-ёзин сувга тўла, йўловчи транспорт парк узоқ мuddат янгиланмаганлиги сабабли трамвай ва троллейбуслар, автобусларнинг тенг ярмига яқини йўналишларга чиқмас, бир телефон станциясидан иккинчисига кўнгирак қилиб бўлмасди.

Ана шундай бир вақтда Юртбошимиз имзо чеккан “Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисида”ги қарорнинг қабул қилиниши, ҳеч шўбҳасиз, тарихий аҳамиятга эга эди.

Шундан сўнг бульдозер ва экскаваторларнинг ҳайқирғи Эски шаҳарни ўнлаб йиллар давомидаги қаратқидан уйдотди. Лойиҳага кўра хароба қулбалари бузиладиган беш мингдан зиёд оила Қоратош, Кўмирчи, Чақар маҳал-лаларида барпо этилган, барча қулай-ликларга эга бўлган янги шинам уй-жойлар билан таъминланди. Ўрнида янги қурилушлар мўлжалланмаган хонадонлар эса ниҳоят табиий газ, ичим-лик сув, канализация тармоқларига уланди, телефонлаштирилди. Маҳалла-ларда янги мактаблар, болалар боғча-лари, оилавий поликлиникалар, спорт иншоотлари, хизмат кўрсатиш шохоб-чалари пайдо бўлди.

Жуда қисқа фурсат ичиде Сағбон, Қорасарой, Форобий кўчалари таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Улар икки бараварга кенгайтирилди, троллейбус қатнови йўлга қўйилди. Эски-шаҳарликлар иш ва хизматдан уйларига қайтар эканлар, том маънода узоқ-лари яқин бўлгани — қинғир-қийшиқ кўчалар ўқдек текисланганидан, масо-фа жуда қисқариб қолганидан хайрат-га тушар эдилар.

Мустақиллиқнинг дастлабки йилла-рида Эски шаҳарни обод қилиш бўйича бошланган бу ишлар бунёдкорлик режаларининг дебосчаси эди. Давлати-миз раҳбари ҳар гал бу ерга келгани-да янги-янги тақлифларни ўртага таш-лар, ўз таърифлари билан айтганда “Эски шаҳарнинг кўкрагига шабада те-гиши” қўзланган амалий ишларга бе-восита бош-қош бўлардилар. Юртбо-шимизнинг ташаббуси билан Эски ша-ҳарда “Жар” спорт соғломлаштириш мажмуаси, “Истеъдод” ёшлар маркази, янги-янги маданий-маиший бинолар барпо этилди. Абдулла Қодирий номи-даги маданият ва истироҳат боғи туб-дан қайта таъмирланиб, эскишаҳарлик-

ларнинг сеvimли оромгоҳига айланти-рилди. Ҳозир ҳам бу даҳада кўркам би-нолар қад кўтармоқда, хиёбон ва май-сазорлар барпо этиляпти.

Мустақиллик йилларида пойтахтда амалга оширилган барча бунёдкорлик ишлари кўламини қамраб олиш амри маҳол. Бу янги қурилушларни ҳаёлан бир кўз олдингизга келтиринг-а: мам-лакат парламенти — Олий Мажлиснинг муаззам ва бетакрор Қонунчилик пала-таси ва Сенат бинолари, вазирлик ва идоралар, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, банклар, бизнес марказлари ва бир-жалар маъмурий бинолари, кўп юлдуз-ли меҳмонхоналар, савдо марказлари, юртимиздаги тўқинчилик тимсолига ай-ланган, айни пайтда замонавий кўрк ол-ган бозорлар, шифохоналар...

Кўҳна Тошкент ўз иқболи — келажак-дан жуда умидбахш. Унинг эзгу ни-ятлари Истиклол авлоди — ёшлар билан боғлиқ. Шу боис пойтахтда ёшлар-ни ўсиб-улғайтириш, етук мутахассис-лар қилиб тарбиялаш энг устувор ва-зифага айланган.

Мамлакатимизда Қарлар тайёрлаш Миллий дастури амалга оширилишга киришилган дастлабки йилларда ёшларни ўз бағрига олган, сифат жи-ҳатдан тамоман янгича биринчи таълим муассасалари — Учтепа туманидаги қурилиш коллежи, Шайхонтоҳур тума-

нидаги академик лицей бўлди. Уларни бунёд этишда, энг замонавий дастгоҳ-лар, асбоб-уқуналар, компьютер синф-хоналари билан жиҳозлашда, ҳеч бир муболағасиз, бутун шаҳар иштирок этиди. Бундай ахиллик, ҳамжихатлик тошкентликларга хос фазилат эканли-ги метро янги бекатлари қурилишида ҳам, шаҳарни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришда ҳам, бошқа жуда кўп хайрли ишларда ҳам кўп марта яққол намоён бўлган, ҳар қандай масъ-улиятли вазифаларни муваффақиятли адо этишининг асосий омилга айланган.

Пойтахтда дастлабки коллеж ва ли-цейлар барпо этиш, уларни жиҳозлаш-га алоҳида эътибор бежиз эмасди. Ана шу таълим муассасалари мамлакатда бунёд этиладиган янги коллеж ва ли-цейлар учун ўзига хос намуна вази-фасини ўтарди.

Бугунги кунда шаҳардаги 80 та кол-леж ва 37 та лицейда 220 та ихтисос-лик бўйича мутахассислар тайёрланмоқ-да. Пойтахтдаги 28 та олий таълим му-ассасалари, Москва давлат университети, Россия иқтисодий академияси, Россия давлат нефть ва газ университети, Халқаро Вестминстер университети, Сингапур менежмент институти, Турин политехника институтининг Тош-кентдаги филиаллари йигирма бирин-чи асрда Ватанимиз тараққиётини янги чўққиларга олиб чиқишга қодир бўла-диган энг юқори малакали мутахассис-лар тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Ёшлар замонавий билимларни эгал-лаш билан бирга спортдаги зафарла-ри билан давлатимиз шўхратига шўх-рат қўшмоқдалар. Улар орасида Олимп-ия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва китъа биринчиликлари, нуфузли халқаро му-сабақалар голиб ва совриндорлари та-лайгина. Жаҳон андозалари даражаси-да таъмирланган “Пахтакор”, янгидан барпо қилинган “Ўзбекистон”, “Ёшлик”, Юнусобод спорт мажмуалари, Тошкент теннис маркази, бошқа кўлаб спорт иншоотларида бўлажак чемпионлар ма-ҳоратларини оширмоқдалар.

Ватанимиз пойтахти кўркамлиги ва латофати билан дунёдаги энг замона-вий шаҳарлар кўрки билан беллаша оладиган бўлиши билан бир қаторда Тошкентнинг бетакрор қиёфасини сақ-лаб қолиш — меъмору қурувчиларимиз-нинг диққат марказида. Тошкент Исло-м маданияти пойтахти деб эътироф этил-ган йилда тубдан таъмирланган Ҳазра-ти Имом (Хастимом) мажмуаси, хусу-сан Тилла Шайх масжиди, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасаси янги бекиёс қирралари билан намоён бўлиб, кўли гул усталаримизнинг ўз устозлари анъ-аналарининг нуносиб ворислари экан-лиқларининг амалий ифодасига айлан-ди. Пойтахтдаги бошқа тарихий ва ма-даний обидалар ҳам асрлар гардидан ҳалос бўлиб, давлатимиз муқаддас ос-тонасининг ўзига хос қиёфасини кўз-кўз қилмоқда.

Мисли қўрилмаган бунёдкорлик иш-лари халқимиз ўзлигини янада чуқур-



роқ ҳис этиши, маънавий дунёлари бойиб, гурур ва ифтихор хис-туйғула-ри кучайиши мақсадларига қаратилган-лиги алоҳида эътиборга моликдир. Ис-тиқлолнинг дастлабки йиллидаёқ пойтахт марказида Алишер Навоий номи бе-рилган Миллий боғ барпо этилди. Шоҳ-супадан пойтахтликлар ва шаҳримиз меҳмонларига меҳр кўзлари билан бо-қиб турган улғувор “Ғазал мулкининг султони” худди Ватанимиз ва Тошкент-да амалга оширилаётган эзгу ишларни шеърӣ мисраларга битиш уй-ҳаёлига берилгандек. Шаҳар марказидаги со-ҳибқирон Амир Темурағу ўрнатилган ма-ҳобатли ҳайкал, Темурийлар тарихи Давлат музейи ҳам ўзбек давлатчилиги шўхратининг тимсоли рамзий маъно-сини касб этади.

Бош майдонимиздаги Мустақиллик ва Эзгулик рамзлари, Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳалок бўлган салкам ярим миллион нафар юртдошимиз ҳар бирининг муқаддас исми-шарифи “Хо-тира майдони”да зарҳал сатрларга муҳр-ланганлиги, ҳурлик, миллат озодлиги учун жон фидо этганлар руҳини шод этиш мақсадида барпо этилган “Ша-ҳидлар хотираси” мажмуаси ҳам аза-лий қадриятларимизга содиқлик тим-солларидир. Шунинг учун улар муқад-дас қадамжолардек эзират қилинади, пойларига гулчамбарлар тўшалади.

Тошкентни илм-фан ва маданият мар-кази ҳам деганларича бор. Бу ерда мам-лакат Фанлар академияси, фанимиз ну-фузини белгиловчи илмий-тадқиқот ин-ститутлари фаолият олиб бормоқда.

Истиклолдан илгари шаҳар маркази-да неча йиллар аввал бошланган “Турки-стон” саройи тугалланмаган қурилушлар рўйхатидан мустаҳкам ўрин эгаллаган эди. Кейинги 10-15 йил мобайнида бир-гина бу маданият муассасаси эмас, шу-нингдек Ўзбек миллий академик, Ўзбе-кистон рус драма театрлари, Тошкент цирки, Тасвирий санъат галереяси, Ёшлар ижодиёт уйи, Марказий Осиёда ягона мусиқа саройи — Ўзбекистон Дав-лат консерваторияси, яна ўнлаб мадани-й муассасалари пойтахтликлар ва ша-ҳар меҳмонларига хизмат кўрсатмоқда.

Тошкентдаги бекиёс бунёдкорлик ишлари биринчи навбатда шаҳарлик-ларнинг ҳеч қимдан кам бўлмаган тур-муш кечириларини таъминлашга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятли-дир. Хорижда бўлганлар йирик шаҳар-ларда машиналарнинг ўта тирбандли-гидан, улардан бетўхтов бурқсиб чиқа-ётган туўнлар ҳамма ёқни қиондек бо-сиб, ҳату ўрнига заҳар ютишга маж-бур бўлишдан хуноблари ошиб, шикоят қилишади.

Пойтахтимизда ҳам йил сайин замо-навий машиналар тобора кўпайибдан кўпайиб бормоқда. Лекин бошқа “мил-лионер” мегаполислардан фарқли ра-вида шаҳримизда автоуловларнинг кўчаларда “тошбақача” имиллашию бир-гина чорраҳаларда эмас, катта магист-ралларда ҳам тирбандлик диққинафас-лиги ҳолларига кўп ҳам дуч келавермай-си. Бу ҳам ўз вақтида узоқни қўзлаб бошланган саъй-ҳаракатлар самараси-дир. Кейинги йилларда Тошкентда барпо этилган янги йўллар, кўприклар, Катта ҳалқа йўлига қўшимча Кичик ҳалқа йўли-нинг бунёд этилиши транспорт қатно-вини ташкил этишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Тошкент метроси Юнусобод йўналишида 7,6 километр масофали олти бекатнинг ишга туширилиши эса қурувчиларимизнинг яна бир меҳнат жа-сорати намунасига айланади.

Тошкентда ўтмишдаги “бетонпараст-лик касали” — кўча ва майдонларгагина эмас, шаҳарликлар ҳордиқ чиқариши учун мўлжалланган хиёбон ва оромгоҳ-ларга ҳам асфальт ётқизиш калтабин-лигига барҳам берилиб, яшил худуд-лар — дарахтзор ва майсазорлар йил-дан-йилга кенгайиб бормоқда. Қўлаб майдон ва хиёбонлар, маданият ва ис-тироҳат боғларигина эмас, кўчалар, маъмурий бинолар, турар-жойлар ат-рофлари ҳам ям-яшил майсазорларга бурқаниб, арчалар энгилиб, пойтахти-мизнинг жаҳондаги эң кўкаламзор ша-ҳарлардан бирига айланаётганлигига ғувохлик бериб турибди.

Тошкент билан биродарлашган Аме-рика Қўшма Штатларидаги Сизет шаҳри делегацияси раҳбаридан унда пойтахти-миздаги энг катта таассурот қолдирган нарсаси нима эканлиги ҳақида сўрашганда, меҳмон ўйлаб ҳам ўтирмасдан:

— Қурилиш қранлари. Фақат биз бўлган жойлардагина эликтадан кўпроқ қурилиш қранини санашга муваффақ бўлдим. Бу кўламда бунёдкорлик ишлари олиб бо-риллаётган шаҳарнинг эртанги кунига ҳавас қилсанг арзийди, — деган эди.

Дарҳақиқат йигирма икки асрдан кейин ҳам афсоналардек яшариб ва яшаб, янги баҳорини бошидан кечи-раётган, гўзаллиги ва муҳташамлиги, замонавийлиги ва ўзига хослиги билан ҳаммани мафтун қилаётган Тошкентнинг иқболи балан.

Эркин ЭРНАЗАРОВ Асқар Ёқубов (ЎЗА) олган сурат

Маънавият МАЪНАВИЯТ ТАРФИБОТЧИЛАРИ АНЖУМАНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча худудла-рида «Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаа-ти, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз қўзлаган демократик жаҳият барпо этишнинг гаровидир» деган эзгу ғояни ўзида муқаммас этган ташкилий-амал-лий, маданий-маърифий тадбирлар, кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пой-тахтимизнинг маҳаллалари, аҳоли пунктлари, меҳ-нат жамоалари, ўқув муассасалари, болаларнинг ёзги оромгоҳлари, ҳарбий қисмларда маданий-маъри-фий, адабий-бадий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Улар-да олимлар, зиёлилар, маънавият тарғиботчилари, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар фаол иштирок эт-моқда. Учрашувларда юртимиз тобора обод бўлиб бораётгани, амалга оширилаётган кенг кўламли ис-лохотларнинг мазмун-моҳияти, таълим, соғлиқни сақ-лаш, аҳоли манфаатларини ҳимоялашга қаратилган ижтимоий дастурларнинг аҳамияти, бунёдкорлик ишларининг самараси аниқ ва таъсирчан ҳаётӣ ми-соллар ёрдамида кўрсатиб берилмоқда. Айни пай-тда турли ғоявий-информацион хуружлар, миллий манфаатларимиз, менталитетимизга ёт ва зарарли бўлган таъсирлардан одамлар, айниқса, ёшларимиз-ни асраш, фуқароларни шўхёрлик ва огохликка даъ-ват этишга қаратилган учрашув ва мулоқотлар ўтка-зилмоқда.

Маънавият тарғибот маркази ҳамда Давлат ва жаҳият қурилиши академияси томонидан нашр эти-либ, жойларга тарқатилган «Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорли-гининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонли-гининг, биз қўзлаган демократик жаҳият барпо этишнинг гаровидир» қўлланмаси ана шундай маъ-навий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оши-ришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Семинарда маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда мамлакатимиз, ҳар бир вилоят, ша-ҳар, қишлоқ ва маҳаллада истиклол йилларида амал-га оширилган ишлар моҳиятини қиёсий таҳлил асо-сида очиб бериш, халқимиз, айниқса, ёшлар онги ва дунёқарашидаги ўзгаришлар, улар эришаётган натижаларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Шу билан бирга ислохотларнинг ҳар бир юртдошимиз ҳаёти ва фаровонлигига кўрсата-ётган таъсирини аниқ мисоллар ёрдамида кўрсатиб бериш, ҳар бир ватандошимиз қалбиде мамлақати-мизда рўй бераётган ўзгаришларга дахлдорлик туй-ғусини янада кучайтириш, тадбирларни уларни янги марралар сари илҳомлантирадиган мазмун ва шак-ллар асосида ўтказиш билан боғлиқ ташкилий-амал-лий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Тадбирда маънавий тарғибот ишларида фаол иштирок этаётган ёзувчи ва шоирлар, санъаткор-лар, таникли олимлар, маънавият тарғиботчилари-га диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

ЙИФМА ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГ

Республика Ахборот-кутубхона маркази яна бир хайрли ишга қўл урди. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорликда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ваколатхонаси лойиҳаси кўмагида янги каталоглаштириш тизими яратилмоқда.

Мазкур тизим Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва ахборот-кутубхона марказларининг корпоратив лойи-ҳаси асосида юзга келади. Қўриляётган бу тад-бир юртимиз ҳамда чет эл кутубхона ва китобхона-ри учун йиғма электрон каталогга кириш учун очик онлайн имкониятини таъминлайди. Айни вақтда турли кутубхоналар ўзаро алоқаси янада кенгайди.

ДЎСТОНА УЧРАШУВЛАР

Москвада уюштирилган касбдошлар дўстлик кечасига республикамиздан бир гуруҳ фахрий темирйўлчилар ҳам тақлиф қилинди.

Улар темир йўл тизимида кўп йиллар ишлаб, бой тажриба орттирган мутахассислар бўлиб, рос-сиялик касбдошлари билан учрашдилар. Давра суҳ-батлари қурилиб, аънанани янада мустаҳкамлаш режалари белгилаб олинди.

Авлодлар бой маънавий меросини оммалаш-тириш тадбирлари ҳужжатли фильмда ўз аксини топди.

ЯХШИ ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

Ўзбекистондаги Рус миллий маданият маркази томонидан уюштирилган илмий конференция «Ўзбекистонда рус диаспораси: йиллар, воқеалар, инсонлар» деган мавзуга бағишланди.

Унда ўзбек ва рус маданияти тарихига оид қатор маърузалар тинланди.

Республика Байналмилал маданият маркази то-монидан уюштирилган давра суҳбати ҳам яхши та-ассурот қолдирди.

Ақбар АЛИЕВ

ТАДБИРКОР

Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоригр бўлиши сифати ҳамда рақобатбардошлиги таъминланишини, халқаро талабларга мос бўлишини тақозо этади.

Бугунги кунда буюртмаларни муваффақиятли адо этаётган «Бектемир спирт» акциядорлик жамияти мутахассислари ҳам асосий савий-харакатни тайёрланаётган маҳсулотга халқаро сифат сертификати олишга қаратишган. Бунинг учун эса Россиядан янги дастгоҳ кел-

тириш режалаштирилган. Мавжуд технологик линия ҳамда усуналарни модернизация қилиш ишлари эса режа асосида амалга ошириляпти. Албатта, тадбиркорлар хориж бозорини ҳам кўзлашмоқда. Тайёрланаётган сифатли маҳсулот — этил спиртини республика-

миздаги буюртмачиларга етказиб бериш баробарида келгусида уни Қирғизистон, Туркменистон, Қозоғистон сингари кўшни давлатларга экспорт қилиш ҳам кўзда тутилган.

Корхона аҳли яқинлашиб келаётган шукуҳли айёмлар — Муस्ताқилгимизнинг 18 йиллиги ҳамда жонажон пойтахтимизнинг 2200 йиллигини муносиб меҳнат ютуқлари билан, шунингдек, ўзига хос бунёдкорлик ҳамда ободончилик ишларини амалга оширган ҳолда кўтаринки кайфиятда кутиб олишмоқда. Корхонанинг 4 қаватли



Акциядорлик жамиятларида ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИ

замонавий биноси қуриб битказилди. Мазкур иншоот барча қулайликлари билан ишчи-ходимларга манзур бўлди ва улар шарт-шароитлардан унумли фойдаланишади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, асосий хом ашё — дон ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сақлаш учун омборхоналарнинг талаблар даражасида бунёд этилганлиги ҳам иш сифати ва самарадорлигини таъминламоқда. Узунлиги 200 метрни ташкил этган темир йўл марказининг ишга туши-

рилгани эса сарф-харажатларни камайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу темир йўл орқали корхонага келтирилган хом ашёни ташишда қулайликлар яратилди. Корхона ҳовлиси, ён-атрофларини ободонлаштириш, турфа гул ва дарахт ниҳоллари экишга эътибор қаратилгани унинг ўзгача чирой очишида муҳим ҳисса бўлди. Айни пайтда эса ниҳоллар парваршига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тобора яқинлашаётган

кўш байрамлар шукуҳини дилларига жо айлаган корхона меҳнат аҳли яратилган шарт-шароитлардан руҳланган ҳолда сифатли маҳсулот тайёрлашга, буюртмаларни тез ва соз удалашга, бу билан тантаналарга муносиб туҳфа ҳозирлашга интилмоқда. Зеро, интилганга ҳамisha омад ёр бўлади. **Шарифа ИЛЁSOVA** **СУРАТЛАРДА:** корхонада малакали мутахассислар меҳнат қилишади. **Ҳакимжон Солиҳов** олган суратлар



Сўранг, жавоб берамиз

ОЛИНГАН ТОВАР СИФАТСИЗ БЎЛСА...

Ўғлим яқинда дўкондан телевизор сотиб олганди. Ярим йил кафолат муддати билан сотиб олинган телевизор бир ой ўтар-ўтмас ишламай қолди. Уни дўконга қайтариб олиб борсак, у ер-бу ерини кўриб, «Устки қавати тирнақиб кетибди-ку», деб қабул қилишмади. Уларнинг арзиман баҳонани рўқач қилиб сифатсиз товарни қайтариб олмаслиги тўғрими?

Гулнора Собитова, Учтепа тумани

Харидорга сифатсиз товар сотилганда, агарда унинг камчиликлари шартнома тузиш пайтида маълум қилинмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 434-моддасида белгиланганидек, сотиб олувчи ўз хошияга асосан:

худди шу марказдаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни; харид нархини тегишли қайта ҳисоблаган ҳолда бошқа марказдаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

товарнинг камчиликларини бепул бартараф этишни ёки сотиб олувчи, ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун қилинган харажатлар қопланишини; харид нархини мутаносиб равишда камайтиришни;

кўрилган зарар ўрнини қоплаган ҳолда шартнома бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Сотиб олинган товар учун тўланган пул суммасини харидорга қайтариш вақтида сотувчи ундан товардан тўлиқ ёки қисман фойдаланганлиги, товар кўриниши йўқолганлиги ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли товар қиймати қанча пайсан бўлса, шунча суммани ушлаб қолишга ҳақли эмас.

Президентимиз томонидан қабул қилинаётган қатор Фармон ва Қарорлар эски маъмурий-тақсимот тизимидан бутунлай воз кечиш, давлатнинг иқтисодий аралашувини янада чеклаш, эркин тадбиркорлик фаолияти учун амалий кафолатларни таъминлаш, иқтисодиёт ва бизнесни барқарор ривожлантириш, тўлақонли бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги мавжуд ғов-тўсиқларни бартараф этишга қаратилгандир.

Тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишларини кафолатлаш, уларга қўлланганидан жазо турлари, микдорлари ва қўллаш усулларини унификация қилиш, текширишларни кескин қисқартириш, лицензиялаш ва рўқсатномалар олиш тартибини соддалаштириш, кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, уларни нақд пул маблағлари билан сўзсиз таъминлаш, солиқ тўловлари микдорини ва ҳисобот топшириш турлари ва муддатларини камайтириш, давлат рўйхатига олиш ва маҳсулотларни сертификатлаштириш тартибини тақомиллаштириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар бизнес субъектларини янада ривожлантиришга имкон беради.

Зеро, Юртбошимиз шундай таъкидлаган эдилар. «Тадбиркорлар фаолиятига ноҳолис, тирноқ остидан кир қидириш кайфияти билан қарашдан бутунлай воз кечиш, аксинча уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъминлаш фурсати етди. Мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган бу тоифа вакилларига шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш керакки, улар ўзи, ўз оиласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қила олинлар».

Тадбиркорлар ҳуқуқларининг самарали ҳимоясини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга киритилган ва расмий ҳужжат ҳисобланган «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг ўрни беқийсдир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 29 декабрда 1650-сон билан рўйхатга олинган Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида»-ги Низом ишлаб чиқилган.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эр-

Кейинги йиллар давомида тадбиркорлар учун туб иқтисодий ўзгаришлар жараёнининг муҳим бурилиш даври бўлганини қайд этиш жоиз. Айниқса, юқори иқтисодий натижаларга эришилгани, тадбиркорликка кенг йўл очиб берилгани, уларга эркинлик, ҳар жиҳатдан шарт-шароитлар яратилганлиги самарали ислохотларнинг яққол исботидир.

Ҳуқуқий ҳимоя

ТАДБИРКОР ХИЗМАТИДА

кинлигининг кафолатлари тўғрисида»-ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»-ги қонунлари, Президентимизнинг қатор Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Низомда китобга шундай тушунча берилган: «Текширишларни рўйхатга олиш китоби — назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текширишлар тўғрисидаги ахборот киритиладиган расмий ҳужжат ҳисобланувчи текширишларни ҳисобга олиш махсус китоби».

Низомнинг 29-бандида «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан юритилади. Текшириш бошланишидан олдин хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор, хўжалик юритувчи субъект раҳбари бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахс) текширувчи мансабдор шахсга «Текширишларни рўйхатга олиш китобини» тегишли устунларини тўлдириш учун тақдим этади. Текширувчи мансабдор шахс ушбу китобни тўлдиришдан бош тортса, у текширишга қўйилмайди», деб белгилаб қўйилган.

Шахримиз туманларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларидаги мавжуд «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» мониторинг йўли билан ўрганиб чиқилганда, айрим назорат органлари томонидан текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдиришда тўлдириш тартибига риоя қилинмаганлиги, яъни китобнинг 9,10 устунлари текширувчилар томонидан тўлдирилган ҳолатлар мавжудлиги аниқланган.

Албатта, назорат қилувчи органлар ходимлари томонидан текшириладиган субъектларда ўтказиладиган текширишларда «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»ни тўлдириш тартибига риоя этилиши Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳар туманлари бўйича тегишли ҳудудий комиссияларининг ишчи органи томонидан ҳам доимий назоратга олинган.

Ҳозирда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 62 000 та «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» тадбиркорларга етказиб берилди. Шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларидаги «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» бўйича мониторинг ўтказилиб, ўрганиш жараёнида аниқланган бу йўналишда йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича назорат қилувчи органлар раҳбариятига қонунбузилиш ҳақида тақдимномалар киритилган.

Одил АЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бош маслаҳатчиси

Иқтисодиёт

ПЛАСТМАССАДАН БУТЛОВЧИ ҚИСМ

Импорт ўрнини босувчи кўплаб маҳсулотларнинг замонавий технологияларни қўллаган ҳолда ўзимизда тайёрланаётгани, уларнинг харидор талабига тўла жавоб бериши, албатта тадбиркорларимизнинг изланишлари самарасидир.

«MAVLON TEXNIK» масъулияти чекланган жамиятининг иш бошлаганига 10 йилдан ошди. Бу давр ичида нафақат маҳсулот сифати ва турлари, балки ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам орттиришга эришаётган тадбиркорлар пластмасса хом ашёсидан унумли фойдаланган ҳолда автомобиллар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришмоқда.

Цехларимизда 20 нафардан зиёд малакали мутахассис меҳнат қилишмоқда, — дейди корхона директори Шинаргул Абдуқаликова. — Улар маҳсулот тайёрлаш жараёнида Хитой ва Россиянинг замонавий дастгоҳларидан фойдаланишади. Бир сменада 20 мингта бутловчи қисмлари тайёрлаб, «GM-Ўзбекистон» қўшма корхонасига етказиб бермоқдамиз. Ушбу корхона билан ҳамкорлигимиз яхши самара бермоқда. Шу боис ҳам жорий йилда яна 5 хил янги маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйиш ниятидамиз. Бу билан ишлаб чиқарилаётган бутловчи қисмларимиз тури 13 хилдан ортиб кетади. Маҳсулотларимиз учун қопилларни ўзимиз тайёрлаймиз.

Бугунги кунда корхонада қуёв, механика, йиғув ва сифат назорати участкалари муваффақиятли ишламоқда. Барчанинг диққат-эътибори буюртмаларни тез ва сифатли адо этишга қаратилган.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҚЎЛЛАНИЛАДИ

Ишлаб чиқаришда илғор технологияларни қўллаш бозор ва харидор талабига мос рақобатбардош товарларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис ҳам шахримизда фаолият кўрсатаётган «Арслон пластик» масъулияти чекланган жамияти ишбилармонлари янги технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш устида изланишлар олиб боришмоқда ва бунинг самарасидан қўзланган асосий мақсад ички бозорни кераклик ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлашдир.

Корхонада сут ва сут маҳсулотлари, қандолатлар, мева ҳамда сабзавотлар учун қадоқлаш ашёлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, асосан «Шўртангаз» кимё мажмуаси ва хориждан келтирилган хом ашёдан фойдаланилади.

Ўтган қисқа давр мобайнида корхонада юксак унумли технологик усуналар қувватидан самарали фойдаланган ҳолда «WIMM BILL DANN», «Бўстонлик сут» қўшма корхоналари маҳсулотлари учун қадоқлаш ашёлари тайёрлаб беришга эришилди. Шунингдек, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида жойлашган «Салада» фирмаси буюртмаси асосида кетчуп ва йогурд маҳсулотлари учун идишлар ишлаб чиқаришмоқда.

— Ойига 450 мингта кефир идишлари тайёрлаб берамиз, — дейди корхона директори Мирзоид Миррахмедов. — Шунингдек, ҳозирда нафақат кефир идишлар, балки пластмасса хом ашёсидан турли ҳажмидаги қадоқлаш ашёларини тайёрлаймиз. Келгусида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, улар учун бир марта ишлатиладиган пластмасса идишлар тайёрлаб беришни режалаш турибмиз. Яна «Муз импекс» қўшма корхонаси учун мева ҳамда сабзавотларни музлатгичда сақлашга мўлжалланган турли ҳажмдаги яшиқларни ҳам ишлаб чиқаряпмиз. Ҳозирда иссиқ маҳсулотларга мўлжалланган пластмасса идишлар тайёрлаш технологияси устида иш олиб бораёпмиз. Янги дастгоҳ ва усуналар билан жиҳозланган цех очиб, яна 15 нафар қўшимча ишчи ўринлари яратиш яқин кунлардаги мақсадларимиз сирасига кирди.

СИФАТЛИ ҚАНДОЛАТЛАР

Бозорларимиз ва савдо шохобчаларимиз пештахталаридаги ранг-баранг қандолат маҳсулотлари сифати, ўралиши ва бежирим қадоқланиши билан харидорларга манзур бўлмоқда.

«Нектар» масъулияти чекланган жамияти қандолатчилари ҳам йил сайин маҳсулот турларини кўпайтиришмоқда ва сифатига алоҳида эътибор қаратишяпти.

— Корхонамизда 20 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади, — дейди директор Ҳамидулла Ганиев. — Уларнинг 4 нафари касаначилик асосида ишлайди ва барча шарт-шароитларга эга. Ўтган йилда Германиядан келтирилган замонавий дастгоҳлар асосида 20 тонна маҳсулот тайёрлаган бўлсак, жорий йилда ушбу кўрсаткични икки бараварга кўпайтириш ниятида меҳнат қиляпмиз.

Тадбиркорлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида жорий йил охиригача Хитой ва Жанубий Кореядан янги усуналар келтиришни кўзда тутишган. Бу, албатта, маҳсулотнинг харидоригр турларини яратишда муҳим ҳисса бўлади.

Қандолатпазлар жонажон пойтахтимизнинг 2200 йиллигини муносиб кутиб олиш ниятида янги турдаги мевали конфетлар тайёрлаб, уларни чиройли идишларга қадоқлашмоқда. Улар шахримизнинг улгуржи бозорлари ва савдо шохобчаларида ўз харидорларини топмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳал қилув қарорларига асосан қуйидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари:

- 1.Ўзбекистон чернбилчилари Ассоциациясининг Тошкент шаҳар Сергели туман бўлими;
- 2.Ўзбекистон оғир атлетика Федерациясининг Тошкент шаҳар бўлими;
- 3.«Ўзбекистон тиббий-педагогик ассоциацияси» жамоат бирлашмасининг Тошкент шаҳар бўлими;
- 4.Ўзбекистондаги фалаж ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш «Умр» жамоатчилик марказининг Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман бўлими;
- 5.Ўзбекистондаги фалаж ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш «Умр» жамоатчи-

- лик марказининг Тошкент шаҳар Сергели туман бўлими;
- 6.Ўзбекистон самбо Федерациясининг Тошкент шаҳар бўлими;
- 7.Ўзбекистон белбоғли кураш Федерациясининг Тошкент шаҳар бўлими;
- 8.Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг Қўл жанги Федерациясининг Тошкент шаҳар бўлими;
- 9.Ўзбекистон «Муай Тай» Федерациясининг Тошкент шаҳар бўлими;
- 10.Ўзбекистон Республикаси боксни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг

- Тошкент шаҳар бўлими;
- 11.Афғон уруши ногиронлари Республика хайрият жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими;
- 12.Ўзбекистон «Кураш» Миллий Федерациясининг Тошкент шаҳар бўлими;
- 13.Ўзбекистон Сузиш Федерациясининг Тошкент шаҳар бўлими фаолияти тугатилганлиги муносабати билан уларга Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан берилган ғувоҳномалари ҳамда ушбу нодавлат нотижорат ташкилотлари фойдаланиб келаётган бурчак штампини ва думалоқ муҳри БЕКОР ҚИЛИНАДИ

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жамолитдин ШОҲАКИМОВ,

«Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими раиси:

— Ҳозирда Республикаимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда азим шаҳримизнинг 2200 йиллик тўйига қизгин тайёргарлик кетмоқда. Шубҳасиз, ушбу саналар ҳар бир ўзбекистонлик учун алоҳида мўътабар байрамлардир. Уларни кўтаринки кайфиятда муносиб кутиб олиш ҳар биримизнинг зиммамаздатидир. Бугунги кунда барча жабҳада яратувчанлик сезилаётган — янги бино ва иншоотлар барпо этилмоқда, боғлару хиёбонлар, кўчаларда ободончиликка йўғрилган сай-ҳаракатларни кўриш мумкин. Бу борада маҳалланинг ўрни беқиёс, зеро, маҳалла ҳар биримизнинг кундалик ташвишимиз, орзу-умидимизни боғлайдиган қутлуғ даргоҳдир. Замонавий маҳалла — отабобларимиз мерос қилиб қолдирган қадриятларимизни ўз ичига олган, албатта. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, фақат Истиқлол шарофати билан биз миллий анъаналаримиз, урф-одатларимизга риоя этиб, фар-

зандларимиз тарбиясига ҳам сингдириб бораётимиз. Юртбошимиз Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бирини Обод маҳалла йили сифатида белгилар эканлар, агарда маҳаллаларимиз жамиятимиз ҳаётида муносиб ўринни эгалласа, агарда маҳаллаларимизда тинчлик ва хотиржамлик ҳукм сурса барча нарсага кучимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етади, дея таъкидлаган эдилар. Бугун, ишончимиз комилки, маҳалла адолатпарварлик ва кучли фуқаролик жамияти сари одимлаб бораётган мустақил давлатимиз ҳаётида муносиб ўринни эгаллаб улгурди... Маҳалла байрами — янги замон шукҳи. Шу билан бирга, юқориди айтиб ўтилганидек, бизнинг қадриятларимиз ўз аксини топган байрамдир. Шукрки, қадим-қадимда ота-бобларимиз бошлаб берган урф-одатларимизни бугунги авлод давом эттириш имкониятига эга ва шубҳасиз, келажак авлоднинг турмуш тарзида ҳам бардавом бўлади.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

СУРАТЛАРДА: «Маҳалла кўни» байрамидан лавҳалар Рашид Галиев олган суратлар



Спорт янгиликлари

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ўтказилаётган жанговар яккакурашлар бўйича I Осиё ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган спортчилар навбатдаги медалларни қўлга киритди.

НАВБАТДАГИ МЕДАЛЛАР

Мусобақа дастурига киритилган кураш бўйича 90 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан ўзбекистонлик жаҳон чемпиони Шерали Жўраевнинг маҳорати мухлис мутахассисларни лол қолдирди. Тажрибали полвонимиз деярли барча учрашувларни, жумладан, ярим финалда Хитой Тайпейдан келган Чье Сянг Чанга қарши ўтказилган беллашувни ҳам муддатидан олдин якунлади.

Шерали Жўраев финалда ҳам чиройли усул ишлатиб, қозғистонлик Руслан Абдуразоқов устидан соф галабага эришди ва мусобақанинг олтин медали билан тақдирланди.

Хотин-қизлар ўртасидаги кураш беллашувларида Гулмира Исмамова учинчи ўринга даввогарлик қилмоқда.

Муайтайчиларимиз ҳам терма жамоамиз ҳисобига навбатдаги медалларни тақдим этди. Дунёнинг энг кучли муайтай усталаридан ҳисобланган ҳамюртимиз Мавлонбек Қаҳҳоров бу гал ҳам тенгсиз эканини исботлади. У лаослик Сатид Кеонитага қарши ўтказилган финал жангида рақибини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Муайтай бўйича мамлакатимиз терма жамоаси вакиллари Шерзод Шарипов ва Фирдавсий Холмуродов ҳам мураббийлар ишончини оқлаб, терма жамоамиз ҳисобига биттадан бронза медал келтирди.

Кикбоксинг беллашувларида иштирок этган тажрибали спортчимиз Алишер Абдуллаев флуконтракт йўналиши бўйича 75 килограмм вазн тоифасида кумуш медалга сазовор бўлди.

Ўзбекистон учун янги спорт тури — пенчак силат мусобақаларида қатнашган ҳамюртларимиздан Жамолитдин Салимжонов ва Бахтиёр Норов ўз вазн тоифасида учинчи ўринни эгаллади. Моҳир каратэчимиз София Каспулатова ҳам Осиё ўйинларининг бронза медали билан тақдирланди.

Ўзбекистон терма жамоаси учта олтин, бешта кумуш ва ўн та бронза, жами ўн саккизта медал жамғарган ҳолда қирқдан зиёд мамлакат орасида кучли ўнликда бормоқда.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

ҚОСИМЖОНОВ — ХАЛҚАРО ТУРНИР СОВРИНДОРИ

Ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов Германиянинг Майнц шаҳридаги шахмат фестивали дастуридан жой олган «ORDIX Open» ва «FiNet Open» халқаро турнирларини ҳам муваффақиятли якунлади.

Етти юзга яқин шахматчи иштирок этган «ORDIX Open» турнирида Рустам Қосимжонов ўн бир имкониятдан саккиз очко жамғарди. Ҳамюртимиз олтин учрашувда рақибларини мот қилди ва тўрт мартаба дуранг ўйнади.

Рустам галабали одимларини «FiNet Open» да ҳам давом эттирди. Уч юз нафарга яқин шахматчи дона сурган мусобақада Рустам Қосимжонов ўн битта партия ўйин ўтказиб, жами тўққиз очко жамғарди ва шунча очкога эга бўлган америкалик Гата Камский билан бирга иккинчи поғонадан жой олди.

Рустам Қосимжонов «FiNet Open» турнирида мезбон шахматчилар Винсент Бремер, Жозеф Генг, Леонид Милов, ливалек Викториа

Кмилите, латвиялик Виестурс Мейжерс, франциялик Андрей Соколов, россиялик Константин Ланда ва америкалик Гата Камскийни мағлубиятга учратди, венгриялик Адам Хорват ҳамда хорватиялик Богдан Лалич билан дуранг ўйнади.

Энди Рустам Қосимжонов жорий йилнинг 8-24 август кунлари Арманистонда ўтказилган Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ Гран-присининг бешинчи босқичида қатнашди.

ЁШ КУРАШЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида ўсмирлар ўртасида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ташкил этилган Осиё чемпионати Ўзбекистонда юқори салоҳиятга эга бўлган умидли спортчилар вояга етаётганини кўрсатди.

Юнон-рум кураши бўйича ўтказилган мусобақада тўртта олтин, иккита кумуш ва битта бронза, жами етти та медалга сазовор бўлган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.



Фойдали маслаҳатлар

ТЎҒРИ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ КЕРАК

Киши ҳаётида қутилмаганда азиятли дамлар бўлиб туради. Тасодифан яхши ёки хунук хабар, қўрқиб кетиш, ниҳоятда ҳаяжонланиш, иссиқлик ёхуд офтоб уриши, аъзон раисалар бўлиши буйрак, жигарнинг кучли оғриғи каби ҳодисалар кишини ҳушидан кетказиши мумкин.

ниа давом этиши мумкин. Беморнинг юрак-томир тизимида жиддий нуқсонлар бўлмаса, ҳуш кетиши тезда ўтиб кетади. Бундай ҳолатда биринчи навбатда беморга тоза ҳаво зарур бўлади: дераза ва дарчалар очилади, елпинди, беморнинг ёқалари бўшатилди, беморнинг боши танасидан паст қилиб ётқизилади, оёқлари юқорироқ қилинади. Шунда қон беморнинг бош қисмига оқади. Мазкур амал ўта зарур, чунки одамнинг ҳушидан кетиши

тўсатдан бошдан қон пастга кетиши билан содир бўлади (мияда қон етишмайди). Бемор ҳушидан кетганида новшадил спирти пахта пилигига шимдирилиб, бемор бурни остига келтирилади. Совуқ сувли бужтирма беморнинг юзи ва кўкрагига қўйилади, совуқ сувни пурқаш ҳам мумкин. Беморнинг оёғига иссиқ сувли грелка қўйилади ёки чўтир сочиқ билан ишқаланади. Асло совуқ нарса бошга қўйилмайди, бе-

морга дори ва сув берилмайди, чунки ҳушидан кетган одам ютиш қобилиятини йўқотади. Хавфли томони шундаки, ичирилаётган суюқлик ёки дори беморнинг қизил ўнгига ҳамда ўпка нафас йўлига тушиши мумкин. Бемор ўзига келгач, иссиқ чой ёки қаҳва ичирилади.

Ҳар қандай ҳолдаги ҳушидан кетишда шифокорга мурожаат қилинмоғи даркор.

Маннон НАБИЕВ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

МЕЪЁР — ҲАЁТ ТАЯНЧИ

Бир ҳақим бундай деган экан:

— Меъёр — табиатнинг иттифоқдоши, соғлиқнинг кўриқчиси. Шунинг учун ичганингизда ҳам, еганингизда ҳам, ҳаракат қилганингизда ҳам, ҳатто ошиқ бўлганингизда ҳам меъёридан ошманг!

ФАЙЛАСУФ ФИКРИ

Бир файласуф шундай дебди:

— Кайфу сафо тўрт хил: бир лаҳзалик, кун бўйи давом этадиган, бир ойга чўзиладиган, бир умрга етадиган бўлади.

Муҳаббат туйғусидан вужудга келган кайфу сафо бир лаҳзалик бўлади. Ўғил туғилганда киши то боланинг вақ-вақи жонига теккунча — кун бўйи хурсанд бўлиб юради, янги уйланган келин-куёв ҳомиладор бўлгунга қадар кайфу сафо қилиб юради. Катта давлат умр бўйи давру даврон суришга имконият беради.

ҲАҚИҚИЙ САХИЙЛИК

Бир файласуфдан:

— Ҳақиқий сахийлик нимадан иборат? — деб сўрабдилар.
— Оғир кунда лутфу марҳамат қўлини чўзишдан иборат, — дебди.

ДАҲШАТ ВА ҚЎРҚУВ

Бир донишманддан:

— Даҳшатнинг қўрқувдан нима фарқи бор? — деб сўрабдилар.
— Даҳшат номақбул бирор нарсага ҳавас пайдо бўлганда содир бўлса, қўрқув ўша ниёт амалга ошганда содир бўлади, — деб жавоб берибди.

ПЕШЛАНГАН АҚЛ

Бир донишманддан:

— Ақлнинг қай даражада пешланиши? — деб сўрасалар, у:
— Шу даражада пешладимки, энди ҳеч кимга ишонмайман, — деб жавоб берибди.

МУРОСА — МАРҲАМАТ МЕВАСИ

Бир донишманддан сўрабдилар:

— Сенинг лутфу марҳаматингни чек-чегараси борми?
— Одамлардан қанчайин дарғазаб бўлмайин, кўнглимнинг бир четиди ҳамиша муроасага ўрин қолдираман, — дебди.

ИСТЕЪДОД ҚОНДАН ЎТМАЙДИ

Бир ҳақимнинг ўқиш-ўрганишга сира уқуви йўқ бир ўғли бор экан.

Хотини эрига:

— Нега бунақа экан-а? Сендек олим, фозил одамдан туғилган бола қипқизил аҳмоқ бўлади? — деса, эри шундай дебди:
— Истеъдод ирсий бўлмайди, унинг жони меники эмас, ўзиникидир!

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Ҳурматли тадбиркорлар!

Тошкент шаҳар ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ноқонуний текширишларнинг олдини олиш мақсадида «Ишонч телефон»лари ташкил қилинган:

269-14-45, 262-92-42

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. Факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2862 нусхада босилади.
Қозғоқ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

12 45